

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Тойлоқ тумани

2024 йил 9 январь

Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.А.Исаев, ушбу кун даъвогар АААнинг жавобгар ЖЖЖдан **980.000 сўм компенсация** тўлови ва **490.000 сўм пеня, жами 1.470.000 сўмни** ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Тойлоқ туманлараро иқтисодий судига даъвогар ААА (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) жавобгар ЖЖЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ жавобгар ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар тоифасига кирганлиги боис, **2020 йил учун 980.000 сўм компенсация** тўловлари ҳисобланганлиги, ҳисобланган компенсация тўловларини тўлаб бериши тўғрисида огоҳлантирилганлиги, бироқ, компенсация тўловлари тўлаб берилмаганлиги, Низомнинг 7-боб 30-бандида маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилиши белгиланганлиги, тўлов кечиктирилган кунлар учун **490.000 сўм пеня** ҳисобланганлиги баён қилиниб, жавобгардан **980.000 сўм компенсация тўлови ва 490.000 сўм пеня, жами 1.470.000 сўмни** (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳисоб рақамига – Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010, Марказий банк ХККМТ Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО: 00014, Ғазначилик бошқармаси СТИР: 201122919, х/р: 4014218601184013450715144, СТИР: 202427172 ОКОН:97400) ундириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади)нинг 203⁴-моддаси иккинчи қисмига кўра, жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли.

Бироқ, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмади.



ИПКнинг 203⁴-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу ҳолатда, суд тақдим этилган ҳужжатлар ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятини беришини инобатга олиб, ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан аникланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини кўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) 5-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар; юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланади. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тоифаларига мансуб субъектлар (кейинги ўринларда — I — IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар), ушбу Низомнинг 4 — 7-бобларида келтирилган компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига амал қилган ҳолда иш юритади.

Низомнинг 17-бандига кўра, Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга авария ҳолатида чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришда компенсация тўловлари ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида чиқариб ташлаш, оқизиш ва ноқонуний равишда чиқиндиларни жойлаштириш жараёни юзага келган пайтдан бошлаб, у бартараф этилгунга қадар ўтган давр учун захарли моддаларнинг ҳамда чиқиндиларнинг ҳар бир тури учун белгиланган компенсация тўловларининг ўн баравари миқдорида тўланади.

Мазкур Низомнинг 26-бандига кўра, I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чоракда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунигача аванс компенсация тўловини амалга оширадилар. Аванс компенсация тўловлари олдинги чорак маълумотлари бўйича ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг норматив ва



нормативдан ортиқча амалдаги ўртача ойлик массасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Тегишли чорак учун ҳисоблаб чиқилган компенсация тўлови суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлган тақдирда, компенсация тўлови ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача амалга оширилади. Бу ҳолатда ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга норматив бўйича ва нормативдан ортиқ чиқариш, оқизиш ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ҳисоб-китоби молиявий ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда, йилига бир марта экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилади. Ҳисобот йили тугагач аванс тўловлари биринчи — учинчи ва тўртинчи чорак якунларини инобатга олган ҳолда йиллик ҳисобот юритилиб, ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланганлиги, оқизилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлигининг йил давомидаги ҳақиқий массасига мувофиқ, қайта ҳисоб китоб қилиниб, якуний тўлов қиймати ҳисоблаб чиқилади ҳамда тўловга қаратилади.

Низомнинг 27-бандига кўра, III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 5 февралигача амалга оширилади.

Аниқланишича, жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчиси ҳисобланиб, даъвогар томонидан Низом талаблари асосида тайёрланган компенсация тўлов суммаси бўйича ҳисоб-китоби тўғрисида ҳисоботда жавобгарнинг **2020 йил учун компенсация тўлов сўммаси 980.000 сўмни ташкил этган ва жавобгар ушбу суммани тўлаши лозим бўлган.**

Даъвогар томонидан жавобгар компенсация тўлов суммасини тўлаб беришни сўраб 2023 йил 3 октябрда 182-сонли талабнома юборилган. Бироқ, томонидан ушбу компенсация тўлов суммаси тўлаб берилмаган.

Низомнинг 32-бандида, Компенсация тўловчи субъектлар компенсация тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлашга мажбурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда, суд даъвогарнинг жавобгардан 980.000 сўм компенсация тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

ФКнинг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари неустойка ундириш йўли билан ҳимоя қилиниши белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 30-банди Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий



суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилиши белгиланган.

Шунга кўра, даъвогар жавобгардан 490.000 сўм пеняни ундиришни сўраган. Пенянинг ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотлар даъво аризасида кўрсатиб ўтилган.

Аниқланишича, жавобгар 980.000 сўм компенсация тўловларини бугунги кунга қадар тўлаб бермаган.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг жавобгардан пеня ундириш талабини асосли деб ҳисоблаб, жавобгардан даъвогар фойдасига 490.000 сўм пеняни ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бундай ҳолатда, суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 980.000 сўм компенсация тўлови ва 490.000 сўм пеня, жами 1.470.000 сўмни ундиришни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, ундирилиши лозим бўлган 340.000 сўм давлат божи ва 34.000 сўм почта харажати жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 118, 176-179, 180, 186, 203⁴, 203⁵-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ЖЖЖдан:

-даъвогар ААА фойдасига 980.000 сўм компенсация тўлови ва 490.000 сўм пеня, жами 1.470.000 сўм (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳисоб рақамига – Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010, Марказий банк ХККМТ Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО: 00014, Ғазначилик бошқармаси СТИР: 201122919, х/р: 4014218601184013450715144, СТИР: 202427172 ОКОН:97400) ҳамда олдиндан тўлаб чиқилган 34.000 сўм почта харажати;

-Республика бюджетига 340.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести) бериши мумкин.

Судья

Х.А.Исаев

